



БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ МЕВА-САБЗАВОТЛАР БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Х.М.Исраилова

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника
университети Олмалиқ филиали
катта ўқитувчиси, ЎзМУ тадқиқотчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14054139>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01- Noyabr 2024 yil
Ma'qullandi: 05- Noyabr 2024 yil
Nashr qilindi: 07- Noyabr 2024 yil

KEY WORDS

иқтисодиёт, бозор
иқтисодиёти, мева-
сабзавотчилик тармоғи, мева-
сабзавотлар бозори.

ABSTRACT

Мазкур мақолада бозор иқтисодиёти шароитида жаҳон мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг амал қилиши ишлаб чиқариш ва сотиш соҳаларида инновацион технологиялардан фойдаланиш, тез бузилувчи маҳсулотларни сақлашда юзага келадиган муаммолар ҳақида фикрлар келтирилган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари кундалик эҳтиёж моли ҳисобланиб, унинг муҳимлиги овқатни самарали ҳазм қилиш ва ўзлаштиришга, инсоннинг ўзини яхши ҳис қилишига, унинг ишлаш лаёқатини оширишга ёрдам берадиган кўп сонли фойдали моддаларни ўзида сақлаши билан белгиланади. Ҳозирги босқичда мева-сабзавот маҳсулотлари бозори республика аҳолисини кимматли озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатни эса қайта ишлаш хом ашёси билан таъминлаган ҳолда динамик ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг амал қилиши ишлаб чиқариш ва сотиш соҳаларида инновацион технологиялардан фойдаланиш, демографик ва иқлим жараёнларининг фаоллашуви, турли мамлакатлар аҳолиси овқатланиш рационларининг ўзгариши, қатор озиқ-овқат товарларидан фойдаланишининг ўсиши ва бошқа сабаблар туфайли умумий ва маҳсус хусусиятлар билан тавсифланади.

Жами бўлиб ушбу омиллар дунёning барча минтақаларида, кўп даражада Осиё, Океания, Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида янги мева ва сабзавотлар истеъмолининг ўсишини таъминлади. Ўзбекистонда агробизнесни ривожлантириш давлат дастури ва Ўзбекистоннинг 2030 йилгача миллий озиқ-овқат хавфсизлиги доктринаси мамлакат ичкарисида янги сабзавотлар истеъмолини кўпайтириш ва йил давомида улар томонидан истеъмолчиларни мувозанатли таъминлашни қўзда тутади. Мева-сабзавот маҳсулотлари бозори фаолияти назарий асосларининг биз томонимиздан бажарилган тадқиқоти бозор тизими кўплаб унсурларини (талаб, таклиф, нарх, рақобат) ўз ичига оладиган мураккаб таркибий механизм сифатида тавсифлаш имконини берди. Ушбу ёндашув А.Алтухов, Е. Витун, Г.Гануш, В.Гусаков, Е.Злобин, З.Ильина, С.Кондратенко, И.Минакова каби хорижлик тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган.

Келтирилган олимлар тадқиқот объектини қуйидагича белгилайдилар:

-сотовчи (ишлаб чиқарувчи) ва харидорлар (истеъмолчилар) ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи;

-эркин ўзаро таъсирилашувчи ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни бирлаштирадиган иқтисодий тизим;

-эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган истеъмол неъматларини қўлга киритиш жараёнида талаб ва таклифнинг доимий ўзаро таъсиридаги товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ иқтисодий тизимнинг амал қилиш шакли .

Н.Киреенконинг тадқиқотларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларининг ҳолатини, аграр хом ашё ва тайёр озиқ-овқатни белгилайдиган, қишлоқ хўжалиги сиёсати мақсад ва вазифаларининг ягоналигини таъминлайдиган агромаркетинг фаолиятини бошқариш тамойилига йўналтириш таклиф қилинади .

Келтирилган ёндашувлар доирасида мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг қўйидаги вазифалари ажратилди:

-ўзгараётган бозор шароитларини ҳисобга олиб, товар ишлаб чиқарувчиларга ўз ишлаб чиқаришларини доимий мувофиқлаштириш имконини берадиган ахборот;

-ушбу бозорнинг ички ва ташқи сегментларига маҳсулотларини самарали силжитишини таъминловчи воситачилик;

-талаб ва таклифни шакллантирадиган товарлар қийматини ифодалайдиган нарх белгилаш;

-талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган тартибга солувчилик;

-рақобатни қўллаб-қувватлашга ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тозаловчи .

Жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хом ашё ва озиқ овқат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари турли омиллар таъсирида турибди, улар орасида табиий-икклим (хусусан, жаҳоннинг қишлоқ хўжалиги минтақалари катта қисмини жалб қиласиган об-ҳаво ва бошқа аномалиялар), молиявий-чайқовчилик (қимматли қоғозларни қўлга киритиш ва инвестицияларни ишлаб чиқаришга йўналтириш қарама-қарши тенденциясининг мавжудлиги), бозор (талаб ва таклиф кўламларининг ўзгариши), демографик ва бошқалар энг муҳимлари ҳисобланади.

Мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг ўтказилган таҳлили жараёнида қўйида тасвирланган унинг хорижий мамлакатларда ва републикада амал қилиш тенденциялари ажратилган.

1. Жаҳон мева ва сабзавотлар бозорининг ҳозирги ҳолати қатор мамлакатларда аҳоли турмуш даражасининг ўсиши билан изоҳланадиган, даромадларнинг кўтарилиши ва урбанизация билан келиб чиқсан динамик ривожланиш билан тавсифланади. Сўнгги йилларда ушбу бозорнинг ҳажми 2,0-2,5 трлн. АҚШ долл. даражасида турибди.

Бунда сабзавотлар улуши сотилаётган маҳсулотлар умумий қийматида 68,5% ни ташкил этади. Жаҳон мевалар ва сабзавотлар бозорининг муҳим сегменти Осиё-Тинч океани минтақаси (унга бутун айланманинг 68,1% и тўғри келади) ҳисобланади, йирик ишлаб чиқарувчилар, экспортёrlар ва импортёrlар сифатида эса Хитой ва Ҳиндистонни келтириш мумкин. Ушбу мамлакатлардан биринчисининг улуши тахминан 30% ни ташкил этади, бироқ ўртacha аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, ушбу товарларни ишлаб чиқариш ҳажми XXR да нисбатан катта эмас .

Очиқ маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган маҳсулотнинг катта қисми ички бозорларда сотиш учун ишлаб чиқарилади. Бу мевалар ва сабзавотларнинг кўплаб турлари иссиқликсевар экинларга киради, бу эса оптимал табиий-иқлим шароитларига эга бўлган минтақаларда уларни жойлаштириш тенденциясини шакллантиради.

Шуни таъкидлаш жоизки, мева-сабзавот маҳсулотлари атроф-муҳит экологик омилларига жуда талабчан, чунки уларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва жўнатишда кишилар саломатлиги учун заарли нарсалар тўпланиши мумкин. Бу уни ишлаб чиқариш жойидан бошлаб, пировард истеъмолчиларга етказиш пунктида якунлаган ҳолда силжитишнинг барча босқичларида алоҳида назорат тадбирларини белгилаш ва фойдаланишни зарур қилиб қўяди.

2. Ўрганилаётган бозорнинг ривожланаётган йўналишларидан бири янги мева ва сабзавотлар (жаҳонда ишлаб чиқариладиган ушбу товарлар умумий ҳажмининг тахминан 70% и янги кўринишда сотилади) савдоси ҳажмининг ўсиши ҳисобланади. Шу билан бир вақтда консервация қилинадиган сабзавотлар истеъмоли ҳажмларининг пасайиши қузатилмоқда, музлатилган маҳсулотларга бўлган талаб эса ўртacha йилига 1,0-1,5% га ўсади. Кўп даражада музлатилган маҳсулотлар уларнинг истеъмоли йилига аҳоли жон бошига 50 кг дан ошиб кетган АҚШ, Швецияда талаб қилинди.

Ушбу бозорда янги сегментлар пайдо бўлиб, уларда convenience products (қўллаш ёки тайёрлаш учун қулай бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари) ҳамда ноодатий тур, таъм ва бошқа ўзига хос хусусиятларга эга бўлган буюмлар, соғлиқ учун фойдали овқатлар сотилади. Ўзбекистон ахолисини мева-сабзавотлар билан таъминлайдиган тизимнинг муҳим камчиликлари янги турдаги истеъмолнинг катта мавсумийлиги ҳисобланади, бунда улар каттароқ биологик қимматга ҳамда ушбу товарлар билан банд бўлган бозор сектори кичик ҳажмига эга бўлади.

Мисол учун, республика бозори учун қайта ишланган мевалар ва сабзавотларнинг катта қисмини ҳам консервацияланган маҳсулот эгаллайди. Бинобарин, мевалар ва резаворларга 40%, сабзавотларга 60% тўғри келади. Шунга қарамай, шарбатлар улуши катталигича қолмоқда, музлатилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми эса ўсиш тенденциясига эга.

3. Жаҳон бозорида органик мева-сабзавот маҳсулотлари улуши ошмоқда. Аҳоли жон бошига даромади юқори бўлган мамлакатларда, шу жумладан, Австрия, Дания, Швейцария ва Швецияда ушбу турдаги товарлар савдоси умумий ҳажмида унинг қиймати 10% га етади. АҚШ да органик мевалар ва сабзавотлар улуши 9% ни ташкил этади. Мамлакатимиз агросаноат мажмуаси учун органик ишлаб чиқариш янги фаолият соҳаси ҳисобланади.

4. Сўнгги йилларда маҳсулотлар рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини ошириш мақсадида ишлов берувчи (озиқ-овқат) ва савдо ташкилотлари янги сабзавотлар ва меваларга сотишолди ишлов бериш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш синаб кўрилмоқда. Бундай хизматларга саралаш, калибрлаш, қуруқ тозалаш, тозалаш, қадоқлаш, чакана қадоқлаш, комплектлаш, вакуумли қадоқлаш, идишлар, коробкалар, паллет тақдим қилиш кабилар киради.

Шу сингари технологияларни Евropa Иттифоқи мамлакатлари ҳамда АҚШ, Россия, Хитойда қайта ишловчи компаниялар ва супермаркетлардан фаол фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ушбу амалиёт фақат йирик савдо тармоқларида кузатилади.

5. Мевалар ва сабзавотларга бўлган талаб таркибига муҳим таъсирни маълум омиллар мажмуи – минтақавий истеъмол анъаналари, ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, нарх тебранишлари, соғлом турмуш тарзи тарғиботи ва бошқалар кўрсатади. Ҳозирги вақтда жаҳон ишлаб чиқариши ва савдосининг (ялпи импорт бўйича) ҳажми бўйича етакчилик қиласидиган экин тури томатлар ҳисобланади. Иккинчи ўринда пиёз туриб, у тарихчиларнинг маълумотларига кўра, Қадимги Мисрда 5 минг йил олдин пайдо бўлган. Сабзавот экинлари жаҳон савдосидаги аҳамияти бўйича учинчи ўринда ширин қалампир ҳисобланади. Бодринг, сабзи, шолғом, ҳар хил турдаги карамлар (рангли ва брокколи), саримсоқ пиёз катта оммавийликка эга. Музлатилган сабзавотлар ва мевалар ассортименти, биринчи навбатда, маҳаллий анъаналарга, аҳоли талаби ва ушбу маҳсулотларни бозорларга силжитувчи тузилмалар фаоллигига боғлиқ. Шуни қайда этиш керакки, АҚШ да музлатилган маккажӯхорилар, Европа мамлакатларида – яшил нўхат, исмалоқ, яшил ловия, шампигнонлар, гилос, қора смородина, қулупнай катта ҳажмда истеъмол қилинади.

Жаҳон мевалар ва сабзавотлар бозорида нархларнинг ўсиши кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, улардан муҳими об-ҳаво оғатлари, ишлаб чиқариш харажатлари ва транспорт сарфларининг ўсиши, турли мамлакатларда савдо сиёсатининг кучайиши ҳисобланади.

6. Мева-сабзавотлар бозори самарали амал қилишининг муҳим шарти тегишли инфратузилманинг мавжудлиги ҳисобланади. Н.Киреенконинг фикрича, қуидагиларни таъминлайдиган объектлар унинг асосий ташкил қилувчилари ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- маҳсулотларни сотиш;
- агар бозор сотиш тизимига билвосита таъсир .

Ривожланган сақлаш тизими билан ажralиб турадиган Европа Иттифоқи мамлакатларида мевалар ва сабзавотларнинг тахминан 20% и қайта ишланади. Натижада олинадиган маҳсулотлар юқори сифати билан ажralиб туради, улар истеъмолчилар учун қулай қадоқда қадоқланмоқда. АҚШ да келтирилган хом ашёнинг қайта ишланиш даражаси 50% га яқинлашмоқда, яна тахминан 1 млн.т. сабзавотлар музлатилган кўринишда сақлашга қўйилади. Ушбу мамлакатда тез музладиган тайёр маҳсулотлар ва ярим фабрикатларни ишлаб чиқариш ва сақлаш ҳамда уларни транспортировкалаш ва сотишни таъминлайдиган инфратузилма яратилган.

7. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотига, жумладан, мевалар ва сабзавотларга тегишли янги стандартлар жорий қилинмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг норационал юритилиши атроф муҳитга салбий таъсирини камайтиради, химикатларни қўллаш қўламларини қисқартиради, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши таъминлайди. Мисол сифатида GLOBALG.A.P. –ҳозирги вақтда янги мевалар ва сабзавотларни халқаро бозорларга чиқаришнинг асосий шартини қўйган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида кўрсатилган талабларнинг бажарилишини тасдиқловчи халқаро стандартни келтириш мумкин.

Ушбу стандарт етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва унинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун

тузилган .

8. Мевалар ва сабзавотлар ишлаб чиқарувчилари учун товарларни қадоқлаш масаласи дролзарбилигича қолмоқда. Идишлар ишлаб чиқаришда қайта ишланадиган материаллардан фойдаланишга мажбур қиласидиган миллий ва халқаро экологик меъёрлар қадоқлаш индустрияси тузилмалари томонидан янги технологик ва маркетинг қарорларини кўллашни тақозо этмоқда, рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда, ишлаб чиқарувчиларни харажатларни камайтиришга эришган ҳолда бирлашиш йўлидан боришга мажбур қиласидиган. Экспертларнинг баҳолашларига қараганда, саноатга мўлжалланган қадоқлаш маҳсулотлари бозорнинг 30% ини эгаллайди, 70% и эса истеъмол товарларига, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларига тўғри келади.

Шуни таъкидлаймизки, ундан фойдаланиш ҳавосиз жойда тез бузилувчи маҳсулотларни сақлашда юзага келадиган муаммолар билан боғлиқ. Уларга қўйидагилар киради:

- маҳсулотларнинг механик деформацияси, бу уларнинг бузилишига, ташқи кўриниши ва таъмининг ёмонлашишига олиб келади;
- ҳавосиз жойда маҳсулот бузилишига олиб келган ҳолда, анаэроб микробларнинг ўсиш ва кўпайиш лаёқати .

Кўпгина мамлакатлар замонавий дизайнга эга, экологик тоза ҳисобланган озиқ-овқат товарларини сақлаш муддатларининг ўсишини таъминлайдиган, янгиларидан фойдаланишга ўтган ҳолда қадоқ ва идишларнинг эскирган турларидан воз кечмоқдалар. Хориж тажрибасидан фойдаланиш шуни кўрсатадики, идиш ва қадоқларнинг янги турларидан фойдаланиш атроф-муҳит ифлосланиши кўламларининг қисқариши, озиқ-овқат ва уни қадоқлашдаги заарли нарсалар миқдорининг камайишига олиб келади.

Тадқиқотлар жараёнида мева-сабзавотлар бозорининг мазмuni, тамойиллари ва вазифалари аниқланди. Охирги йилларда хорижий мамлакатларда ҳам, Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу товарлар ишлаб чиқариш ва савдоси ҳажмларининг ўсиши қузатилиши белгиланди. Ушбу бозорнинг ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар қўйидагилар ҳисобланади:

- янги сабзавотлар ва мевалар ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларини глобаллашуви;
- уларни етиштириш, қадоқлаш ва ташишнинг янги технологияларини кўллаш;
- жаҳонда кечётган демографик ва иқлим ўзгаришлари;
- ушбу турдаги маҳсулотлар маҳаллий анъанавий истеъмолининг мавжудлиги;
- соғлом турмуш тарзи ўсиб бораётган оммавийлиги.

Белгилangan жойларга маҳсулотлар етказиб бериш усуллари ўзгармоқда, логистика занжирлари янги сотиш бозорларининг пайдо бўлиши билан трансформацияланади. Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг амал қилиши чет эллик ва миллий ишлаб чиқарувчилари муҳитида рақобатнинг кучайиши билан тавсифланади. Қатор хорижий мамлакатларда маҳсулотли сегментлар ҳолати тадқиқотининг натижаларига қўра, мевалар ва сабзавотлар ички бозоридаги ўзгаришлар, унинг ривожланиш истиқболлари, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва истеъмоли ҳажмлари, унинг сифатлари ва нарх кўрсаткичлари ҳамда ишлаб чиқариш ва бозор

инфратузилмасини кенгайтириш имкониятлари прогноз қилинди. Жами таклиф қилинган тадбирлар мажмуи мамлакатимизда мева-сабзавот бозори амал қилиш самарадорлигининг ортишини таъминлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: "Ўзбекистон" ИМИУ, 2017. - 592 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январ – <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. <https://review.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-2023-yil-uchun-murojaatnomasi-toliq-matn>.
4. Акромов З.М. Фарғона водийси. Т., "Фан", 1957, 87-бет.
5. Абдуллаев О. Жумҳуриятларо агросаноатни ташкил этиш муаммолари. Т., "Меҳнат", 1991. 222-б. Фарғона водийси ижтимоий-иктисодий жараёнлари. Наманган нашриёти. 2000.29-бет.
6. Алтухов А.И. Территориально-отраслевое разделение труда в агропромышленном производстве / А. Алтухов // АПК: экономика и управление. –2015. –№ 7. –С. 9–0.
7. Алтухов А. И. Об итогах работы Отделения экономики и земельных отношений Российской сельскохозяйственной академии за 2013 г. / А. И. Алтухов // Экономика сельского хозяйства России. – 2014. – № 3. – С. 6–17.